



IJIRSET

International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 10, Issue 10, October 2021

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 7.569



9940 572 462



6381 907 438



ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ ВА СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ МУНОСАБАТЛАРИ

Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси тадқиқотчиси Юсупова Ранохон Толибжоновна

Аннотация: Техника фалсафаси ва сунъий интеллект муносабатларига бағищланган ушбу мақолада, ҳозирги замон технологиялар ривожланган жамиятда сунъий интеллект ва рақамланган иқтисодиёт ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бораётгани кўрсатиб ўтилади. Сунъий интеллект ва технологиялар, фан-техника ривожи мезонига айланиб бораётганлигига эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: Интеллект, сунъий интеллект, метод, методология, техника, технология, рақамли иқтисод, автоматлаштириш, субъект, функция, идентификация.

Жамият тараққиёти рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиётни илм-фан ва ишлаб чиқариши бошқариш соҳаларига ҳам жадал суръатда кириб бориши ва тадбиқ этилишини тақазо этмоқда. Натижада рақамли технологияларни яратиш ва бошқариш бўйича янги касблар ҳамда иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Бу жараён келгусида таълим соҳасидаги ўзгаришларга ва унинг самараси бўлган янги касблар ҳамда иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Келгусида касб тушунчасининг ўзи ҳам туб ўзгаришларга юз тутади. Натижада ишчининг маълум мутахассислик бўйича олган билим ва қўникмалари тургун ва барқарор бўлмай қолмади.

Ҳозирги замоннинг рақобатбардош касб-хунарга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш айни замонда уларнинг назарий билим ва қўникмаларини ҳам ҳозирги техника ва технологияларни пухта ўрганиш ва ўзлаштиришини тақазо этади.

Шу ўринда техника ва технологияларни англаш, техник тафаккур, техника фалсафасини чукур англаши талаб этилади.

Техника фалсафаси нафақат инсон-машина муносабатларининг энг умумий шаклларини ўрганади балки унинг намоён бўлишининг тарихий турларини ҳам тадқиқ этади. Бугунги кунда инсон-машина муносабатларига яхлит фаолият кўрсатувчи бир бутунлик деб қаралмоқда ва бунда етакчилик ролини, вазифасини албатта инсон ўз зиммасига олади ёки инсонга таъаллукли деб қаралади. Ушбу мақсадда янги техникани яратишда, инсон омилини хисобга олиб унга мос меҳнат шароитини яратиш амалга оширилади. Инсон ва техниканинг устувор имкониятлари тамоилии ишлаб чиқилган. Бу тамоилилнинг моҳияти шундаки техник воситалар инсон фаолиятидаги камчилик ва етишмовчиликларни тўлдиради, қоплайди (компенсация қилиади), “инсон-техника” тизими инсон фаолиятидаги устунлик, афзаллик, топқириликни тўла реализация қилиши (амалга ошириши) лозим. Бошқача айтганда “инсон-техника” тизимида инсон техникадан афзалроқ қандай вазифани бажара олса ўшани амалга ошириши, техника инсондан қандай устунлиги бўлса ўшани амалга ошириши лозим. Инсон кучсиз сигналларини пайкашда, образ ва белгиларни идрок қилишда, индуктив хуроса чиқаришда тушунчаларни шакллантириш ва билиш методларини яратишда ҳамда борлиқни, реалликни ўзгартиришда устуворликка эга.

Машинанинг инсонга нисбатан афзаллиги, устувор хусусиятлари бу сигналлар-берадиган жавобнинг тезлиги, ахборотни ўта ихчам шаклда сақлаши, хисоблаш тезлиги, бир вақтнинг ўзи турли хил операцияларни, вазифаларни бажара олишида намоён бўлади. Инсон операцияларни ҳатти-ҳаракатларни сонини камайтириб муракаблаштира боради, машина операцияларни соддалаштириб миқдорини ошириб боради.

Инсон ва машиналар ўзаро муносабатларини ташкил этишдаги асосий масала улар ўртасидаги функцияларни тақсимотини рационал, аклга мувоғик энг маъқул ҳолда тақсимлаш ва албатта инсоннинг фаоллиги, маъсулиятини сақлаган ҳолда амалга оширилади. Техник системаларни тизимларни лойиҳалаш инсон-машина тизимларини яратиш вазифаси билан алмашинади. Устувор йўналишда амалда қўлланиладиган имкониятлар автоматлашган лойиҳаларни яратиш тизимида энг яққол кўринади. Келажакда инсоннинг ҳар қандай ишлаб чиқаришдаги жисмоний ва интеллектуал функцияси идеал ҳолда фикрлаганда машина зиммасига юклатилиши мумкин. Аммо бу холат инсоннинг ишлаб чиқариш субъекти эканлигини асло бекор

килмайди. Автоматлаштиришнинг ривожланиши инсоннинг шу бугунги кундаги мавжуд функциясини, вазифасини ўзгариради.

Техника ўзининг узок йиллик тарихида аксар ҳолларда инсоннинг ижодий меҳнати билан, ижодкорлиги билан боғлиқ бўлмаган жисмоний меҳнат функцияларини бажариб келди, бугунги кунда эса у ақлий меҳнатни ҳам бажармоқда ҳамда муайян маънода у кишиларнинг ижодий–ақлий меҳнат функцияларини, вазифаларини бажармоқда. Аммо эндиликда ушбу масала сунъий интеллектни яратиш асносида кўриб чиқилиши лозим.

Интеллект–кенг маънода инсоннинг билиш фаолияти, тор маънода тафаккур ҳамда ақлий билиш қобилиятидир. Инсоний интеллект тўгарак оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муҳим қонуний боғланиш ва алоқадорликни акс эттиради, шу билан бирга борликни ижодий ўзгаририш имкониятини беради.

Илмий тафаккурнинг ривожланишидаги мувофақиятлар–кибернетика, тизимлар назарияси, ахборотлар назарияси в.б. интеллектни интеграл ҳолда икки тилли тизим сифатида тушунишга мойиллик сезилмоқда унинг функцияси фазо–вақт тасвирларни символик–оперативлик тили, (нутқи) символларига айлантириш тенденцияси кучаймоқда. Бундай ҳолатда интеллект билиш, англаш фаолияти сифатида намоён бўлади ва у ҳар қандай мураккаб тизимларни ўрганишга, ахборотни қайта ишлаш ва ўз–ўзини созлаш (самфегуляция) каби мақсадларни амалга оширади.

Сунъий интеллект дастурлар ва ускуналарнинг сифатида ўзаро мужассамлашган яхлит ўзига хос ҳосиласи намоён бўлади. Ундан амалда фойдаланилганда инсоннинг интеллектуал фаолияти ҳар томонлама умумлашган масалалар ва ечимлар натижаси синфидан амалга ошади. “Сунъий интеллект” тушунчасига турлича мазмун юклитимоқда, мантиқий ва ҳар қандай ҳисоблаш билан боғлиқ масалаларни ечишга қодир бўлган ЭҲМдаги интеллект, ҳаттоқи инсон томонидангина амалга ошириш имконига эга масалалар комплексни ечишга лаёқатли ва янада кенгроқ ҳамдаги мажмуалар йигиндисини тасарруф қила олиш имкониятига тенглаштирилмоқда.

“Сунъий интеллект” тушунчаси Дж.Маккарти томонидан 1956 йилда фанга киритилган. “Сунъий интеллект”–энг янги пайдо бўлган фанлардан бири бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида–ҳисоблаш техникаси, математик мантиқ, (программалаштириш) дастурлаш, психология, лингвистика, нейро–физиология ва бошқа соҳадаги билимлар асосида пайдо бўлган. Янги фаннинг номланиши 60-чи йилларнинг охирида пайдо бўлди, 1969 йилда Вашингтонда (АҚШ) СИ (сунъий интеллект) бўйича биринчи халқаро конференция бўлби ўтган.

Шу билан бирга “сунъий интеллект” деганда муайян функция ва характеристикага эга бўлган техник тизимлар тушунилади. Компьютерлар такомиллашиб борган сари–сунъий интеллект ижодий жараёнларда қўлланила боряпти: масалан, мусиқали оҳанглар, расм чизиш, содда хикоя ва шеърлар яратиш, бир тилдан бошқа тилга текстлар матнлар таржима қилиш, турли тасвирларни пайқаш (идентификация йўли билан) теоремаларни исботлаш, шахмат ўйнаш каби. ЭҲМ ёрдамида унга мос дастур орқали инсон ақлий фаолияти турларини автоматлаштириш имконияти мавжуд.

Бунинг учун ҳисоблашдан ҳоли масалаларни ечишга доир дастурларни яратиш керак. Компьютер интеллект тўғрисида фикр билдириши имкони бўлади, қачонки у (ЭҲМ) ёки компьютер ўзининг мустақил билимларига асосланиб, ноҳисобларсиз (невычислительный) масалаларни ечишга қодир дастурларни яратади. Бинобарин, “сунъий интеллект” ни яратишдан қўзланган асосий масала хусусан машиналар зиммасига шундай улкан (метапроцедурани) ташкилий вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлсинки, ундан инсоннинг ижодий интеллектуал фаолиятида амалий қўлланиш имкони бўлсин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил
2. Курбонова Л, М.Назаров. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув кўлланма. 2021 йил
3. Байли Алиса. От интеллекта и интуиции. М., 2021
4. Шермуҳамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. Т., “Ношир”, 2013
5. Туленов Ш.Т. Тафаккур тарзи. Т., 1995 й.
6. Инсон борлиқ ва ижод. Т.: Ношир 2012 й.



Impact Factor:
7.569



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

9940 572 462 **6381 907 438** **ijirset@gmail.com**

www.ijirset.com



Scan to save the contact details